

Қўқон ҳақиқатдан ҳам икки минг ёшдами ?

Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси М.Маъмуров,
ўқитувчилар З.Эсонов, А.Азимов

Қўқон шаҳри юртимиздаги энг кўхна тарихга, меъморчилик обидаларига эга бўлган шаҳарлардан биридир. Мазкур шаҳар ёши тадқиқотчиларни доимо қизиқтириб келган. Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра шаҳар икки минг йиллик тарихга эга¹. Қўқоннинг тарихи ҳақиқатдан ҳам қадимий эканлиги ҳақидаги дастлабки маълумотни рус тадқиқотчиси Н.Я.Бичурин асарларида учратамиз. Унг таъкидлашича Хитой сайёҳи Чжан Цзянь Довон давлати ҳақида берган маълумотидаги 70 та шаҳарлардан бири Гуйшань ёки Хухань шаҳридир. Давон ҳокимиятининг бошқаруви Гуйшньда бўлиб, у Чанандан 12500 ли масофада бўлган². Бичурин Хухань ҳозирги Қўқон шаҳрига тўғри келади деб кўрсатади. Лекин айрим тадқиқотчилар бу фикрга шубҳа билан қарайдилар.

Қўқон ҳақидаги ўрта асрлар муалифларидан Х аср араб сайёҳи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал Истахрийнинг берган маълумотлари қимматлидар. У “Китоб масолик” асарида бундай ёзади: “кимки Хўжанддан Фарғонанинг асосий шаҳри бўлган Ахсикентга боришни истаса, у Кенддан Сўхга битта манзил ва Сўхдан Хувокандгача— битта катта манзил, Хувоканддан Ахсикендгача бир манзил юради”³. 983 йилда ёзилган “Худуд ал олам” асарида: “Хувоканд, Риштон ва Зендарми шаҳарларини аҳолиси зич жойлашган бўлиб, экин экиладиган ерлари кўп бўлган” деган маълумотлар берилган. Демак бизгача етиб келган кўлёзмаларга кўра Қўқон Х асрдаёқ шаҳар сифатида маълум эди.

Лекин ўрта асрларни муҳим манбаси “Бобурнома” асарида Қўқонни тилга олинмаслиги уни тарихига айрим муаллифларини шубҳа билан

¹ Бобобеков Х “Қўқон тарихи” Т.1996 й 6- 235 бет.

² Бичурин Н.Я “Собрание сведний о народах, оботавших в Средний Азии в древные времена” Т. 2 М. 1950 срт. 196

³ Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вип. 1 М. 1973. стр. 21

карашига олиб келади⁴. XVIII асрни муаллифи Муҳаммад Вафо Карманагийнинг “Тухфат ал хони” асарида ҳам Қўқон округ (арчим) тарзида берилади. Шунингдек бошқа маҳаллий тарихчилар ҳам шаҳарни XVIII асрда вужудга келганлигини билдирадилар. Бу фикрни рус тадқиқодчилари ҳам тасдиқлайдилар⁵. Лекин бу фикрни бошқа европалик муаллифлардан айримлари тўғри деб тасдиқламайдилар. Хусусан 1718 йил Россиядан Бухорога элчи бўлиб келган Ф.Беневени қуйдагича ёзади: “Бутун Бухоро ўлкасида ҳозирги ва илгарги вақтда 23 та шаҳар ҳисобланарди. Чунончи, Бухородан шарққа: Азора, Кармана, Тошканд, Қўқон, Марғилон, Намдан, Андижон ва Қашқар...⁶”. бу мулоҳазаларнинг барчаси Қўқон X асрларда шаҳар сифатида мавжуд бўлганлиги, кейинги даврларда эҳтимол мўғиллар боқинидан сўнг вайрон бўлганлиги, XVIII асрларга келиб у шаҳар сифатида қайта тикланган фикрга олиб келади.

Қўқон тарихи тўғрисидаги аниқ маълумотларни археологик изланишлар беради. Биринчи мартда 1956 йилда шундай изланишлар олиб борилган, лекин яхши натижа бермаган. 1996 йил Фарғона вилоят ўлкашуностлик музейи Мўйи Муборак ёдгорлидигида Г.П.Иванов бошчилигида экспедиция ташкил этади. Бу манзилгоҳ Қўқон шаҳрининг жанубий тарафида жойлашган. Экспедиция изланишлар давомида шарқий томонда икки метрдан баланд девор қолдиғини топади. Г.П.Ивановни фикрича бу девор V-VI асрларга мансуб қўрғон симон бинонинг қолдиғидир. Шунингдек пастки қатламда эра бошларига оид сопол парчалари ҳам топилган. Тадқиқотчилар маскур иншоат илк ўрта асрлардаги маҳаллий хукмдорнинг қароргоҳи эканлигини билдирадилар. Ушбу янги маълумотларнинг топилиши шаҳар ҳақиқатдан ҳам узоқ тарихга эга эканлиги

⁴ Бартольд В.В. История культурного жизни Туркестана. Л. 1927. стр. 104.

⁵ Мулла Олим Хожи “Тарихи Туркистон” Қарши. 1992. 8-10 бет; Наливкин В.П. Краткая истории кокандского ханства. Казань 1896. стр 76.

⁶ Государственная публичная библиотека имени Салтыкова–Шchedрина С.–П. Ф. 1000 пост 1950 № 9/1,2.

тасдиқлайди. Ва шаҳар тарихи хусусида ҳали чуқур изланишлар олиб борилишини талаб этади. Бугунги кунда бу соҳада илмий изланишлар бошланди. 2007 йил кузидан бошлаб Ўз Р ФА Археология институти илмий ходими А.Анорбоев ушбу манзилгоҳларда илмий изланишларни олиб бормоқда. Ажаб эмаски, яқин келажакда Қўқон шаҳрининг ёши 2000 ёшда эканлиги аниқланса.